

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК, ДИНЛАРАРО МУЛОҚОТ ВА МИЛЛИЙ БИРДАМЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛИ”

Отабек Қудратович Алимардонов

Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Тел.: 99 884 03 69

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонда халқ дипломатияси орқали миллатлараро тотувлик, динлараро мулоқот ва миллий бирдамликни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ва ташаббуслар таҳлил қилинган. Миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларни ривожлантириш, бағрикенглик муҳитини яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий имижини шакллантиришда давлат сиёсати ва илмий-маърифий марказларнинг ўрни очиб берилган. Шунингдек, мақолада замонавий Ўзбекистоннинг мазкур йўналишдаги тажрибаси халқаро амалиёт билан қиёсий ўрганилган.

***Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, халқ дипломатияси, миллатлараро тотувлик, динлараро мулоқот, миллий бирдамлик, бағрикенглик, ислом цивилизацияси, илмий-маърифий марказлар.*

PUBLIC DIPLOMACY OF NEW UZBEKISTAN – A MODERN MODEL OF INTERETHNIC HARMONY, INTERFAITH DIALOGUE, AND NATIONAL UNITY

ABSTRACT

This article analyzes the reforms and initiatives carried out in New Uzbekistan to strengthen interethnic harmony, interfaith dialogue, and national unity through public diplomacy. It explores the role of state policy and scientific-educational centers in fostering tolerance, developing interethnic and interreligious relations, and shaping the country's positive image on the international stage. The study also compares Uzbekistan's modern experience in this field with international practices.

***Keywords:** New Uzbekistan, public diplomacy, interethnic harmony, interfaith dialogue, national unity, tolerance, Islamic civilization, scientific-educational centers.*

НАРОДНАЯ ДИПЛОМАТИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА – СОВРЕМЕННАЯ МОДЕЛЬ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОГО СОГЛАСИЯ, МЕЖРЕЛИГИОЗНОГО ДИАЛОГА И НАЦИОНАЛЬНОГО ЕДИНСТВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются реформы и инициативы, осуществляемые в Новом Узбекистане для укрепления межнационального согласия, межрелигиозного диалога и национального единства посредством народной дипломатии. Раскрывается роль государственной политики и научно-просветительских центров в формировании атмосферы толерантности, развитии межнациональных и межконфессиональных отношений, а также в создании позитивного международного имиджа страны. Кроме того, опыт современного Узбекистана в данной сфере сопоставляется с международной практикой.

Ключевые слова: *Новый Узбекистан, народная дипломатия, межнациональное согласие, межрелигиозный диалог, национальное единство, толерантность, исламская цивилизация, научно-просветительские центры.*

КИРИШ

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида халқ дипломатияси мамлакатнинг ички барқарорлиги ва ташқи имижини мустахкамлашда муҳим стратегик йўналиш сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, миллатлараро тотувлик, динлараро мулоқот ва миллий бирдамлик тамойиллари давлат сиёсатида устувор йўналишлар сифатида белгиланиб, улар замонавий жамият ривожланишининг пойдеворига айланмоқда.

Ўзбекистон азалдан турли миллат ва дин вакиллари ҳамжихатликда яшаб келган, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва маданий мулоқот анъаналари шаклланган ҳудуд сифатида эътироф этилади. Географик жиҳатдан Шарқ ва Ғарб цивилизациялари туташган нуқтада жойлашган ушбу замин асрлар давомида маданиятлараро ва конфессиялараро мулоқот маркази бўлиб келган. Шу тарихий мерос бугунги кунда ҳам мамлакатнинг ички сиёсий барқарорлиги ва халқаро майдондаги нуфузини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнги йилларда мамлакат раҳбарияти ташаббуси билан миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларни ривожлантириш, бағрикенглик муҳитини мустахкамлаш, турли халқлар ва динлар ўртасида ўзаро ишончни кучайтириш мақсадида қатор йирик ислохотлар амалга оширилди. Шу билан бирга, ислом цивилизацияси ва маънавий мерос марказларини ташкил этиш, илмий-тадқиқот

фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш орқали Ўзбекистоннинг ижобий ташқи имижини мустаҳкамламоқда.

Мазкур мақолада Янги Ўзбекистонда халқ дипломатияси орқали миллатлараро тотувлик, динлараро мулоқот ва миллий бирдамликни таъминлашнинг замонавий модели таҳлил қилинади. Шунингдек, бу тажрибанинг халқаро амалиёт билан қиёсий ўрганилиши орқали унинг ўзига хос жиҳатлари ва устунликлари ёритилади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Кўп асрлик бой тарих ва бетакрор маданий хусусиятларга эга бўлган Ўзбекистон замини азалдан халқлар ва динлар ўртасидаги дўстона муносабатлар, бағрикенглик, ўзаро тушуниш ва ҳамжиҳатлик сингари ўзига хос ижтимоий муҳит шаклланган юрт сифатида танилган.

Географик жиҳатдан жаҳон цивилизациялари кесишган Буюк ипак ва Буюк Ҳинд йўллари тутушган нуқтада жойлашган Марказий Осиё нафақат иқтисодий фаровонлик, балки кўп асрлик маданиятлараро ва динлараро мулоқотнинг маркази бўлиб келган.

Мил. авв. III - мингйиллик охирилари – II - мингйилликнинг бошларида минтақанинг жанубий вилоятлари – Марғиёна ва Бактрия ҳудудларида илк давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти шаклланади. Бронза даврига оид мазкур цивилизация “Окс (Амударё) цивилизацияси” деб эътироф этилган[1].

Академик А.Асқаровнинг таъкидлашича ижтимоий ҳаётда халқ дипломатиясининг тарихий илдизлари Марказий Осиёда бронза даврида, ер қуррасининг бирламчи цивилизациялар зоналарида эса, масалан, қадимги Миср, Месопотамия, Ҳинд водийси, Хитойнинг Хуанхэ дарёси этакларида ундан ҳам олдинроқ юз берган[2].

Бу саховатли замин мусулмонлар, насронийлар, яҳудийлар, буддавийлар ва бошқа дин вакиллари ёнма-ён яшайдиган, турли миллат ва элатларнинг тинч-тотув ҳаёт кечириши учун ноёб масканга айланди. Этномаданий, этноконфессионал ва этнолингвистик хилма-хиллик, савдо-сотик ривож, маданий алмашинувлар, халқлар ўртасидаги доимий мулоқот сабабли Ўзбекистон замини ҳақли равишда халқ дипломатиясининг қадимги ўчоғи сифатида эътирофга лойиқдир. Қувонарлиси, бугунги Ўзбекистон тарихий қадриятларга содиқ ҳолда юқоридаги анъаналарни давом эттириб умуммиллий бирдамлик сиёсатини олиб бормоқда.

Миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар соҳасидаги туб ўзгаришлар 2016 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамият

хаётининг барча соҳаларида сиёсий, ҳуқуқий, маданий ва гуманитар йўналишларда кенг кўламли ислохотлар бошланиши билан рўй берди.

Янги Ўзбекистон халқ дипломатияси ислом дини ва бағрикенлик тамойиллари ҳамда миллатлараро тотувлик асосига қурилаётган халқ дипломатиясидир.

Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва дин ишлари соҳасида 2017-2025 йиллар оралиғида амалга оширилган ишлар мамлакатни нафақат ички фаровонлигига, қолаверса уни халқаро миқёсда ҳам нуфузини ошишига сабаб бўлмоқда.

Биринчи навбатда шунини айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда кўпмиллатлилиқ шунчаки рақам эмас, балки мамлакатнинг стратегик бойлиги, улкан маънавий устунлиги сифатида қабул қилинади. Бугунги кунда мамлакатимизда 16 та диний конфессияга мансуб 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, ахил-иноқ ҳаёти ва мамлакатнинг умумий тараққиётига қўшган ҳиссаси ўзига хос ижтимоий-маданий уйғунликнинг тимсолига айланган. Шу маънода, 2023 йилда ягона Ўзбекистон халқи номидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири алоҳида аҳамият касб этади. Унинг нормалари ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, кўпмиллатли давлатимизнинг фаровонлиги ва равнақига эришишга қаратилган.

Иккинчидан, Ўзбекистон халқаро майдонда ҳам конфессиялараро мулоқот ғояларини илгари сурмоқда. Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йилда БМТ Бош Ассамблеяси “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилди. Республикада ҳар йили “Бағрикенглик ҳафталиги” ўтказилиб, унинг доирасида давра суҳбатлари, конференциялар, динлараро мулоқот ва турли маданий тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари 2023 йил 19 сентябрь куни БМТнинг 78-сессиясида исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда **“Ислом – тинчлик ва эзгулик дини”** мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурган эди[3]. Унга кўра, 2024 йил октябрь ойида “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида юртимизда халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди[4]. Анжуман ишида Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Иордания, Ўмон, Россия, АҚШ, Франция, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Ҳиндистон ва Покистон каби дунёнинг 22 мамлакатидан 70 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, дин арбоблари, муфтийлар ва таниқли уламолар иштирок этди[5].

Учинчидан, Юртимизда янги диний-маърифий марказлар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш мақсадида буюк алломаларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий номидаги халқаро марказлар, Тошкентда эса Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилди.

Ўзбекистондаги ислом меросини тадқиқ этувчи марказлар ва уларнинг халқ дипломатиясидаги ўрни.

Жадвал

Марказнинг номи	Марказнинг мақсад ва вазифаси	Марказнинг халқ дипломатияси нуқтаи назаридан аҳамияти
Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази (2017 йил 23 июнь Тошкент шаҳри)	Халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, жаҳондаги нуфузи халқаро илмий муассаса ва тузилмалар, жумладан, ЮНЕСКО, АЙСЕКО каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.	Исломнинг инсонпарвар ва маърифатпарвар жиҳатларини халқаро майдонда намоён қилиш, Ўзбекистоннинг бағрикенг ва очик жамият эканини кўрсатишда муҳим восита.
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази (2017 йил 27 март Самарқанд шаҳри)	Ислом маданияти ва цивилизациясини илмий тадқиқ этиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида илмий-назарий ва услубий масалаларга бағишланган конференциялар, симпозиумлар, кўргазмалар ва илмий маърузалар, семинар-тренинглар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш.	Имом Бухорий каби дунё тан олган алломалар мероси орқали Ўзбекистоннинг илмий ва маънавий қудратини дунёга танитиш, халқаро илмий ҳамкорликлар орқали халқлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш.
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази (2017 йил 14 февраль Термиз шаҳри)	Ислом динининг, Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асосларини, Имом Термизий ҳамда термизий алломалар, юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир зотлар меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш	Ҳадис илмлари орқали Ислом динининг тинчликпарвар ва эзгу қадриятларини ёйиш, термизий алломаларини дунё жамоатчилигига танитиш орқали халқлар ўртасидаги маънавий яқинликни мустаҳкамлаш.

	ва кенг тарғиб этиш.	
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази (2020 йил 11 август Тошкент шаҳри)	Ақида ва калом илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган Имом Мотуридий ва унинг издошлари бўлган алломаларнинг улкан илмий, диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, халқ ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, ушбу мавзуларга доир илмий тадқиқотларни тизимли ташкил этиш.	Дунёдаги радикал ва нотўғри тасаввурларга қарши Ўзбекистоннинг исломий ислохотчилар мактаби бўлмиш мотуридия орқали муқобил маърифий йўлни таклиф этиш, соф эътиқодни халқаро майдонда ёйиш.
ҚарДУ қошида Абу Муин Насафий номида илмий марказ (2021 йил 11 октябрда марказ ташкил этиш бўйича таклиф билдирилган)	Абу Муин Насафий асарлари бугунги кунда ҳам долзарблигини, уларнинг мағзини халқимизга, ёшларга етказиш.	Калом ва ақида соҳасидаги илмий мерос орқали халқлар ўртасида маънавий мулоқотни ривожлантириш, тарихий алломаларни жаҳонга танитиш.

Ушбу марказлар ўз моҳиятига кўра фақатгина илмий тадқиқот фаолияти билан чекланиб қолмай, балки Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ижобий диний-маънавий қиёфасини шакллантириш, маданий мулоқотни ривожлантириш, ҳамда турли халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлаш каби вазифаларни ҳам бажармоқда. Бу эса уларни халқ дипломатиясининг муҳим воситасига айлантиради.

Тўртинчидан, Ислохотлар туфайли диний ташкилотлар сони кўпайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 16 та конфессияга мансуб 2361 та диний уюшма рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 2164 таси исломий, 197 таси ноисломий 180 та христиан, 8 та яҳудий, 7 та баҳоий, шунингдек, буддавийлик ибодатхонаси, кришнантлар маркази ва конфессиялараро библия жамиятидир[6].

2017-2024 йилларда 108 та янги бирлашма рўйхатдан ўтказилди. Янги масжидлар, христиан черковлари ва ибодатхоналари қурилди, мавжудлари қайта таъмирланди. Бу эса барча конфессияларга эътиқод килувчиларга ҳурмат билан муносабатда бўлинаётгани таслиғидир. Диний таълимга келсак, ҳозирда мамлакатда 5 та олий ўқув юрти (3 та исломий ва 2 та христиан), 10 та ўрта махсус мадраса ва диний мактаб фаолият кўрсатмоқда.

Бешинчидан, Диний соҳада Ўзбекистон азалий бағрикенглик анъанасини саклаган ҳолда, эътиқод эркинлигини қўллаб-қувватлашда давом этмоқда. Бағрикенглик инсоний муносабатларнинг барча жиҳатларини: ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний жиҳатларини камраб олади ва жамиятда бағрикенглик тафаккурини шакллантириш масаласи хавфсизликни, ички барқарорликни таъминлаш ва мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви учун жуда муҳимдир. Зиёратчилар сони ҳам ортиб бормоқда, ҳаж ва умра амалларини адо этаётган мусулмонлар сони кўпаймоқда, бошқа дин вакиллари ўз муқаддас қадамжоларини эмин-эркин зиёрат қилмоқда, бу эса мамлакатда виждон эркинлигининг ҳақиқий қафолатларини акс эттиради.

Янги Ўзбекистон мажмуасида турли миллат ва дин вакиллари ўзаро ҳурмат-эҳтиром муҳитида мулоқот қилиш имкониятлари яратилган “Бағрикенглик боғи”ни ташкил этиш ташаббуси ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

2023 йилда конфессиялараро тотувликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган фуқароларга топшириладиган “Диний бағрикенглик” кўкрак нишони таъсис этилди.

Олтинчидан, Ўзбекистоннинг мусулмон мамлакатлар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 2017–2023 йиллар давомида дунёнинг 24 та давлатига турли даражадаги (давлат, расмий, амалий, норасмий ташрифлар) хорижий сафарларни амалга оширган бўлса, етти йил ичида мусулмон мамлакатларига 47 маротаба борган[7].

Еттинчидан, 30 июль Халқлар дўстлиги куни сифатида белгиланиши ҳам муҳим қадам бўлдики, бу сана 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистонда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда. Бу нафакат тақдимидаги янги сана, балки чуқур рамзий маънога эга кун мамлакатдаги барча миллатларнинг бирлиги, кардошлиги, ўзаро ёрдами ва маданий меросига ҳурмат улуғланадиган кундир.

Сакizinчидан, Ўзбекистон раҳбарияти Яқин Шарқдаги кескин инқроз – Исроил-Фаластин низоси бошланганидан бери томонларни жанговар ҳаракатларни ва ўт очишни зудлик билан тўхтатишга ва сулҳ тузишга чақириб келмоқда. “... мазкур муаммонинг ягона ва энг адолатли ечими низони „икки халқ учун икки давлат“ тамойили асосида ҳал этишидир. Фаластин халқи, БМТ резолюцияларида белгиланганидек, мустақил давлат барпо этиш ҳуқуқига эга”, деган Шавкат Мирзиёев[8].

Янги Ўзбекистон хилма-хиллик бирлик таянчи, маданий бойлик эса барқарор ривожланиш манбаи бўлиши мумкинлигининг ноёб намунасини кўрсатмоқда. Дунёда беқарорлик ва зиддиятлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг ўзаро ҳурмат, мулоқот ва адолатта асосланган жамият қуриш борасидаги тажрибаси алоҳида аҳамият касб этмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Янги Ўзбекистонда халқ дипломатияси мамлакатнинг ички барқарорлиги ва халқаро имижини мустаҳкамлашда стратегик аҳамият касб этаётган йўналишлардан биридир. Миллатлараро тотувлик, динлараро мулоқот ва миллий бирдамлик тамойилларига таянган давлат сиёсати нафақат ижтимоий барқарорликни таъминлайди, балки Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини ҳам оширади. Илмий-маърифий марказлар, маданий мулоқот тадбирлари, конфессиялараро ҳамкорлик платформалари ва бағрикенглик сиёсатини қўллаб-қувватлаш мамлакатнинг тарихий меросини замонавий давлатчилик талаблари билан уйғунлаштиришда муҳим восита бўлмоқда.

Янги Ўзбекистон тажрибаси халқаро амалиётда ўзига хос инновацион модел сифатида намоён бўлиб, у бағрикенглик ва ҳамжиҳатликка асосланган ички ва ташқи сиёсатнинг самарали намунасини ифода этади.

Миллатлараро ва конфессиялараро муносабатлар соҳасида амалга оширилаётган давлат дастурларини мунтазам мониторинг қилиш ва самарадорлик мезонларини такомиллаштириш мумкин.

Халқ дипломатиясининг илмий-назарий асосларини янада чуқур ўрганиш ва мазкур йўналишда академик тадқиқотлар сонини кўпайтириш зарур.

Ислом цивилизацияси ва маънавий мерос марказларини халқаро даражада тарғиб қилиш орқали Ўзбекистоннинг ижобий имижини янада мустаҳкамлаш мумкин.

Ёшлар ўртасида бағрикенглик, мулоқот маданияти ва миллатлараро тотувлик ғояларини тарғиб этувчи таълим ва тарғибот дастурларини кенг йўлга қўйиш лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Сағдуллаев А.Бағрикенгликнинг тарихий илдизлари (қадимги давр мисолида) Тошкент – 2017. -Б. –12.
2. Асқаров А. Халқ дипломатияси: тарих, бугун, келажак. // Янги Ўзбекистон газетаси 2020 йил 14 октябрь, 196 сон –Б 5.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/6677>

4. Алижонов Ж. Глобал ғоя ва ташаббус: мамлакатимиз нуфузли анжуманга мезбонлик қилмоқда. // Янги Ўзбекистон газетаси 2024 йил 16 октябрь, 209 сон –Б 2.
5. А.Умаркулов Шавкат Мирзиёев «Ислom – тинчлик ва эзгулик дини» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига табрик йўллади // https://yuz.uz/news/shavkat-mirziyoev-islom--tinchlik-va-ezgulik-dini-mavzusidagi-xalqaro-konferentsiya-ishtirokchilariga-tabrik-yolladi?utm_source=chatgpt.com
6. Янги Ўзбекистон:тинчлик, инсонпарварлик ва бағрикенглик диёри – Тошкент.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2025. – 5 бет
7. Хорижга ташрифлар. <https://president.uz/uz/lists/category/>
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/6831>